Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. | № 281 (7. 370) | 1990 йил 8 декабрь, шанба | Баҳоси 3 тийин.

**Бугун Тошкентда, Санъат саройида Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи ўз ишини давом эттирди.**




ТОШКЕНТ. 1990 йил 7 декабрь. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи.

В. МОЛГАЧЕВ («Совет Ўзбекистони») ва Л. ГУСЕЙНОВ («Правда Востока») олган сурат.

## Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи тўғрисида

# АХБОРОТ

7 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи иш бошлади.

Съезд мажлисини КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов очди.

Делегатлар съезд ишининг биринчи босқичида сайланган унинг раҳбар органлари ваколатларини тасдиқладилар ва раёсат таркибига қўшимчалар киритдилар.

Съезд иккинчи босқичининг кун тартиби тасдиқланади:

1. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиши, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастури тўғрисида.

2. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави ҳақида.

Кун тартибига киритилиб тасдиқланган масалалар юзасидан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Музокараларда Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, Қорақалпоғистон МССЖ Қораўзак районидаги «Маданият» давлат хўжалигининг ижарачиси З. Пирназаров, Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳининг ректори М. И. Искандаров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини тайёрлаш учун Марказий Қўмитанинг II пленумида тузилган ишчи комиссияларга Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг комиссиялари мақомини беришни ёқлаб овоз бердилар.

Музокаралар давом эттирилди. Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводининг ишчиси А. Г. Шабанова, Қашқадарё вилояти Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи С. Х. Муродова, Ўзбекистон ССЖ касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов, Хоразм вилояти Боғот районидаги «Боғот» давлат хўжалигининг бригада бошлиғи К. Оллоберганов, Андижон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби К. Холмирзаев, «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири Ҳ. Худойбердиева, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, Самарқанд трикотаж фабрикасининг бичиқчиси Н. Е. Величкина, Тошкент қишлоқ хўжалиги илмгоҳининг ректори Э. Т. Шайхов, Наманган вилояти Учқўрғон район партия қўмитасининг биринчи котиби К. Раимжонов, Бухоро вилояти Зарафшон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби О. Э. Вентланд, Сурхондарё вилояти «Термиз» станцияси локомотив депосининг машинисти В. Ҳ. Солиев, Сирдарё район партия қўмитасининг биринчи котиби М. А. Ибодуллаев, Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. О. Алимов, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг кафедра мудири Л. Қаюмов, Бухоро вилояти Навбаҳор районидаги У. Юсупов номли мактаб директори А. С. Шодиев, Фарғона вилояти Ленинград районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи А. С. Абдуллаев, Жиззах вилояти Бахмал районидаги 1-ўрта мактаб муаллимаси Н. Мухторова, Андижон шаҳридаги 162-қурилиш тресги 5-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Н. Ҳотамов, Тошкент учувчилар комплексининг бортинженери Р. А. Сафоев, Самарқанд районидаги «ССЖИ 50 йиллиги» давлат хўжалиги партқомининг котиби Д. Орзуев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов Наманган шаҳрида содир бўлган воқеалар тўғрисида делегатларга ахборот берди.

Съездда КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби ўртоқ Г. И. Янаев нутқ сўзлади.

Шу билан съезд иккинчи босқичининг биринчи куни иши тугади. Тайёргарлик комиссиялари Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари юзасидан делегатлар айтган мулоҳаза ва таклифларни кўриб чиқиб, умумлаштиришга киришдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг аъзоси Г. Турғунова, КПСС Марказий Қўмитаси Ташкилий бўлими секторининг мудири Н. И. Семёнов қатнашмоқдалар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

# ЖУМҲУРИЯТДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

## МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧИ)ГА МАЪРУЗАСИ

*Маърузачи—КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти*

## И. А. КАРИМОВ

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг биринчи босқичи тугаганидан бери ярим йил ўтган бўлса ҳам бугун шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, съезд берган баҳоларнинг, кўпчилик бўлиб ишлаб чиқилган сиёсий йўлнинг тўғрилигини ҳаёт умуман тасдиқлаяпти.

Съезд Ўзбекистоннинг партия ташкилотини жипслаштирди, унинг ишига яна ҳам жўшқинлик бағишлади. Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий аҳволни нормаллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Одамлар анча осойишта, бир-бирига нисбатан сабр-тоқатли бўлиб қолдилар, келажакка ишонч тикланмоқда.

Демократия билан анархия ва ўзбошимчалик чиқиша олмаслигини, ошкоралик билан митингбозлик ва экстремизм, хилма-хил фикрлаш билан интизомсизлик ва тартибсизлик бир-бирига тўғри келмаслигини жамоатчилик тобора кўпроқ англаб етмоқда.

Жамиятнинг барча соғлом кучларини жипслаштиришга қаратилган қатъий сиёсат олиб борилмоқда, жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий суверенитетига эришиш борасида, съезднинг конкрет йўл-йўриқларини амалга ошириш, ташкилий-структураларнинг мустақиллигини, бошқарувнинг барча поғоналарида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўлида биринчи қадамлар қўйилди.

Президент ва ҳукумат, маҳаллий Кенгашлар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қисмини қўллаб-қувватлаб кўрган чора-тадбирлар аҳволни барқарорлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Гап аввало ветеранлар ва ногиронларга, кўп болали оналарга, ўқитувчилар, студентларга берилган ёрдам тўғрисида боряпти. Жумҳурият аҳолисига ер бериш, чорва моллар ва ем-хашак билан таъминлашда, етиштирган маҳсулотларини сотишда уларга ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ўз вақтида бўлганлиги ва жуда муҳимлигини ҳаёт кўрсатди.

Мана шу ва бошқа чоралар туфайли жумҳурият халқ хўжалигининг барқарор ишлашига замин тайёрлаб берилди. Кўпгина минтақалар ва умуман мамлакатга нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўсиши сақланиб қолмоқда.

Йилнинг ўтган даврида ҳосил қилинган миллий даромад 2,5 фоиз кўпайди, Саноат маҳсулоти етиштириш 2,2 фоиз ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш анча — 7,2 фоиз, уй-жой қурилиши эса 19 фоиз кўпайиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари деярли барча экинлардан яхши ҳосил етиштирдилар. 5 миллион тоннадан зиёд—пландагидан 225 минг тонна кўп пахта ҳар қачонгидан кўра тез тайёрланди. Бу — жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг, биринчи навбатда эса деҳқонларимизнинг муҳим сиёсий ғалабаси бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб меҳнаткаш халқимизга, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиганларга, аввалламбор пахтакорларимизга фидокорона меҳнатлари учун яна, яна миннатдорчилик ва раҳматлар айтишга рухсат бергайсизлар.

Қайта қуришнинг мана шу нишоналарида бошланғич партия ташкилотлари, Ўзбекистондаги барча коммунистлар хизматининг уюштирувчи ва сафарбар қилувчи аҳамияти оз эмас. Бу эса уларнинг обрў-эътибори ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Хуллас, биз бугун шуни тўла асос билан айта оламизки, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг қарорлари жамиятни жипслаштириш ва ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, жамиятимизнинг ҳозирги етилган ва олдимизда турган вазифаларини ҳал қилишга амалий ҳисса қўшмоқда.

## I.

Съездимизнинг биринчи босқичида КПСС XXVIII съездига сайланган делегатларимиз партиямизнинг фаолиятига доир энг муҳим масалалар бўйича ўзларининг тутган йўлларини белгилаб олдилар.

Уларга партиянинг бирлигини сақлаб қолиш, бўлинишга йўл қўймаслик, партия ва мамлакат тараққиётининг энг асосий муаммоларида бизнинг қарашларимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш тўғрисида наказ берилган эди.

Ўзбекистон коммунистлари делегацияси КПСС XXVIII съездидаги ўз иши тўғрисида бугун ҳисобот бериб, у ўз олдига қўйилган асосий вазифаларни умуман уддалади деб, сизларга маълум қилишга барча асос бор, деб ўйлайман.

162 делегат ва таклиф қилинган 10 кишининг ҳаммаси съезднинг мажлислар залида, ишчи органларида, комиссиялари ва секцияларида фаол иштирок этди. Қабул қилинган кўпгина умумпартиявий ҳужжатларда уларнинг фаол позицияси ўз ифодасини топди.

Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг, шу жумладан Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллигига эришиш тўғрисидаги олдимизга қўйган мақсад делегатларимизнинг фаолиятида жуда катта ўрин олди. Экологик фалокат ҳолатига тушиб қолган Орол ва Оролбўйига доир позицияларимизни КПСС съездида жуда катта куч-ғайрат сарфлаб, қаттиқ туриб ҳимоя қилишимизга тўғри келди.

Пахта яккаҳокимлигини тугатиш, бозор муносабатларига ўтиш чоғида бошланғич шарт-шароитларни тенглаштириш, Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишни тезлаштириш муаммолари қатъий қилиб қўйилди. Марказ билан тенг, адолатли иқтисодий муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги масалаларда делегациямиз эгаллаган қатъий позиция ҳам ўз натижаларини берди, бу нарса қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ва аввало пахтанинг асосли харид нархларида ўз ифодасини топди.

КПССнинг марказий органларида Ўзбекистон Компартияси муносиб равишда вакиллик қилишига муваффақ бўлинди. Ўзбекистон вакилларидан 19 киши Марказий Комитет аъзоси ва 12 киши Марказий назорат комиссиясининг аъзоси этиб, жами 31 киши сайланди. Сиёсий бюро, Секретариат ва Марказий назорат комиссияси Президиуми таркибига биттадан вакилимиз сайланди.

Шуни эслатиб ўтаманки, аввалги съездда партиянинг Марказий органлари таркибига ҳаммаси бўлиб 13 киши сайланган эди, ҳисобот даври охирига келиб эса, Ўзбекистон Компартиясидан атиги бир коммунист вакил бўлиб қолган эди.

Бу шундан далолат берадики, бизнинг тутган йўлимиз билан Иттифоқда ҳисоблашадиган бўлиб қолишди, жумҳурият партия ташкилотининг мамлакатдаги обрўси ошди.

Марказий Комитетнинг II пленумида КПСС XXVIII съездининг якунлари муҳокама қилинди. Ўзларингизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми XXVIII съездда эришилган натижалар билан бир қаторда, жумҳурият партия анжуманида кўтариб чиқилган кўпгина принципиал масалаларга КПСС съезди аниқ-равшан ва узил-кесил жавобларни топиб бера олмаганлигини ҳам таъкидлади.

Қандай масалаларда биз КПСС съездининг қарорларидан қониқмай қолганлигимизни эслатиб ўтаман:

— миллатлараро муносабатлар муаммолари;

— Иттифоқ шартномаси масалалари;

— партия билан Советларнинг ўзаро ҳаракати;

— партиянинг турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ўзаро муносабатлари;

— ёшларга доир сиёсат;

— аёлларга ва уларнинг жамиятдаги аҳволига муносабат;

— бозорга ўтиш муаммолари;

— маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, турмуш соҳаларини, одамларнинг турмушини таъминлаш билан боғлиқ ҳамма соҳани ривожлантириш;

— партиянинг аграр сиёсатида Ўрта Осиё жумҳуриятларининг ўзига хос жиҳатлари ва манфаатларини ҳисобга олиш;

— Орол фалокати чуқурлашиб бораётганлигига, Қорақалпоғистон ва Оролбўйидаги бошқа минтақаларнинг аҳволига баҳо бериш ва шунингдек бошқа баъзи бир муҳим масалалар.

Марказий Комитет пленумида биз мана шу муаммолар тўғрисида гапирганимизда, шунчаки танқид қилишни назарда тутмаган эдик. Қолаверса, КПСС съездидан барча минтақалар учун ҳаммага маъқул бўладиган универсал ечимларни кутиш ҳам мумкин эмас эди.

Биз съезднинг биринчи босқичида шундай хулосага келдикки, пировард натижада Компартиянинг ўзи ўз халқи олдида жавобгар бўлади ва барча принципиал муаммолар бўйича ўзининг йўлини мустақил белгилаб олиши керак.

Худди шунинг учун Марказий Комитет II пленуми XXII съезднинг яна битта мажлисини ўтказиш ҳуқуқи тўғрисидаги қарорига асосланиб, иккинчи босқич албатта бўлиши керак деган қатъий қарорга келди. Унинг муҳокамасига фақат иккита масала — Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави тўғрисидаги масалаларни киритишга қарор қилди ҳамда мана шу ҳужжатларнинг асосий мазмунини белгилаб берди.

Фаоллар, жамиятшунос олимлар, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари, Ўзбекистон Компартияси эга бўлган жамики маънавий потенциал тайёргарлик комиссияларига киритилди. Шу ҳужжатларни тайёрлашда кўпчилик активимиз фаол қатнашди.

Энди ана шу ҳужжатларнинг асосий жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

## II.

Энг аввало **Ўзбекистон Компартияси Устави** лойиҳаси тўғрисида. **Нима учун бу ҳужжат яшаш ҳуқуқига эга?**

**Амалда у нимани билдиради?**

Аввало шуни билдирадики, ҳозирги босқичда Ўзбекистон Компартияси энди шунчаки КПССнинг **территориал ташкилоти бўлиб қола олмайди**. Шу нуқтаи назардан биз аввал бошданоқ, ўзимизнинг Уставимизни тайёрлаш ва қабул қилишни **иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари мустақиллиги умумпартия концепциясини бевосита ривожлантириш**, деб қарадик.

Бунинг устига ССЖИ Олий Кенгаши жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни қабул қилганлиги муносабати билан янги вазият вужудга келди. Мана шу ҳужжатга мувофиқ ҳар қандай сиёсий партиянинг **Устави** мавжудлиги унинг яшаш ҳуқуқини тан олишнинг зарур шарти ҳисобланади. Устав партия ички турмуши ва жамиятдаги фаолиятининг асосий принциплари ва нормаларини белгилаб беради.

**(Давоми иккинчи бетда).**

# МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧИ)ГА МАЪРУЗАСИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**



Дарҳол аниқлик киритмоқчиман. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Уставини КПСС Уставига қарши қандайдир бир нарса деб билиш учун ҳеч қандай асослар йўқ.

Амалда иш берадиган ҳужжатни тайёрлаш биз учун асосий принцип бўлди. Бу ҳужжат КПСС XXVIII съездининг принципиал йўл-йўриқларига асосланган, шу билан бирга жумҳуриятнинг конкрет шароитлари ва ўзига хос хусусиятларига таянади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг таклиф қилинаётган Устави қандай асосий хусусиятларга эга?

**Биринчидан:**

юқорида айтиб ўтилганидек, унда жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги концепцияси ривожлантирилди. Устав лойиҳасининг тегишли бўлимларида таърифлаб берилган бу қоидалар КПСС Уставининг табиий қўшимчаси бўлди.

**Иккинчидан:**

бизнинг Устав жумҳуриятнинг ўзига хос хусусиятини, Ўзбекистон Компартияси иш олиб бораётган шароитларнинг жиҳатларини мумкин қадар кўпроқ эътиборга олиши керак.

Булар жумҳуриятнинг Иттифоқ Федерациясидаги ўрнини, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларга ижтимоий адолатни, муносиб турмуш шароитини, уларнинг маънавий янгиланишини таъминлаш учун бир восита сифатида унинг сиёсий ва иқтисодий суверенитетини янгича идрок этишга мос келади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятида бирон-бир синф, табақа ёки миллат вакилларига имтиёзлар йўқлиги тўғрисидаги қоида муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Компартия жумҳурият меҳнаткашларининг қандай миллат ва динга мансублигидан қатъи назар, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Жамиятдаги барча тараққийпарвар кучлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришга, умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи, меҳнаткашларнинг манфаатларини ифода этувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли шерик бўлиб ҳамкорлик қилишга тайёр дегани катта сиёсий аҳамиятга эгадир.

Компартия ташкилотларининг ярмидан кўпроғи — кам сонли бўлиб, уларда 15 нафардан камроқ КПСС аъзоси борлиги ҳам Компартиянинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. **Бошланғич ташкилотлар тўғрисидаги бўлимда** жумҳурият Компартияси асосий бўғинининг сайлаб қўйиладиган органларини тузиш ва улар фаолияти принципларини тартибга солувчи нормаларни аниқроқ баён қилиш зарурлигини шу нарса белгилаб берди.

**Ўзбекистон Компартиясининг пул маблағлари ва мулки тўғрисидаги** бўлимда худди шу жиҳатларни эътиборга олиб, шундай норматив воситалар таклиф қилинганки, улар шаҳар ва район ташкилотларида, бошланғич партия ташкилотларининг марказлаштирилган фондларини тузиш йўли билан, партия аъзолик бадалларидан (взносларидан) тушаётган маблағлардан жуда самарали фойдаланиш имконини берган бўлур эди.

**Учинчидан,** умумпартия Уставининг бир қанча қоидалари ноаниқ мужмал эканлиги бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз кўпгина қоидаларни анча равшан ва аниқ қилиб таърифладик.

Гап нима ҳақда боряпти?

Съездимизнинг биринчи босқичида ички партия демократиясини ривожлантириш, **демократик централизм принципининг** аҳамияти масалаларида Компартиянинг позициялари аниқ белгилаб олинган эди.

Жумҳурият коммунистлари партия Уставидан шу принципнинг олиб ташланишига қарши чиқдилар. Улар шу принципнинг бюрократик бузилишлардан тозаланиши, уни ташкил этган нормаларнинг йўқолишини билдирмайди, деб ҳисоблайдилар. Шунга мувофиқ, Уставимиз лойиҳасининг **ички партия демократияси тўғрисидаги** бўлими партия сафларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг зарур шарти бўлмиш демократик централизм принципининг ҳозирги тушунчаси мазмуни ва моҳиятини кўрсатиб берувчи қоидалар билан кучайтирилди.

Турли нуқтаи назарларни ва жумҳурият партия ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, **партияга аъзолик** билан боғлиқ Устав нормаларига аниқлик ва қўшимчалар киритилди.

Уларни амалга ошириш механизми нуқтаи назаридан қараганда, Устав лойиҳасида шаҳар ва район партия комитетларининг бюролари **партияга қабул қилиш тўғрисида, бошланғич партия ташкилотининг** қарорига далиллар асосида қўшилмаслик ва уни такрорий кўриб чиқиш учун юбориш ҳақида айтилган ҳуқуқи жуда муҳимдир. Бу қоидалар бошланғич ташкилотларнинг мустақиллигини камситмайди. Чунки бу ҳолда ҳам партияга аъзолик билан боғлиқ масалаларни узил-кесил ҳал қилиш ҳуқуқи уларнинг ихтиёрида қолади.

Илгари партия аъзоси бўлган ва Устав нормаларини бузганлиги учун партиядан чиқарилган ёки ундан ихтиёрий равишда чиқиб кетган кишиларни партияга қабул қилишнинг аввалги тартибини сақлаб қолиш таклиф қилинаётганлиги ҳам партия сафларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Коммунистлар бундай кишиларни партияга такрорий қабул қилишга ёндашишда анча қаттиқ ва принципиал бўлиш керак, деган нуқтаи назарга умуман қўшилмоқдалар.

Республика Компартиясининг **ташкилий қурилиши** ҳақидаги бўлимнинг бирламчи принципи КПСС Уставининг айнан шу бўлимидаги каби, бошланғич партия ташкилотларининг аҳамиятини ва мустақиллигини оширишдан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ваколатларини **партиянинг асоси** сифатида барқарор белгилаб қўйишдан иборатдир.

Шу билан бир қаторда, бу бўлим район ва шаҳар партия ташкилотларининг Компартиямизнинг таянч бўғинлари сифатида умумпартия Уставида унча яхши кўрсатилмаганлигини ҳисобга олиб, кенгроқ берилган.

Биринчи марта Қорақалпоғистон жумҳурияти партия ташкилотининг мақоми белгиланган.

**Коммунистларнинг Советлардаги ва бошқа сайлаб қўйиладиган жамоат ташкилотларидаги фаолиятини белгиловчи** қоидаларга ҳам бир қатор жиддий ўзгартишлар киритилган. Бу ўзгартишлар Советлар билан муносабатларнинг янги, конкрет амалиётидан, коммунист депутатларнинг партия интизомига сўзсиз бўйсуниш, ўз сиёсий фаолиятларида тегишли партия съездлари, конференциялари, пленумларининг қарорларига амал қилишлари зарурлигидан келиб чиқади.

**Тўртинчидан,** биз ўз Уставимизни КПСС Уставидан ўрин олмаган айрим янги позициялар билан тўлдиришни лозим топдик.

Ҳар бир коммунистнинг фаолиятига сиёсий ёрдам, унинг шанини ҳимоя қилиш имкониятини берадиган **партиявий ҳамжиҳатлик принципларига** катта эътибор берилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида коммунизмга, коммунистларга қарши очиқдан-очиқ хуружлар бўлаётганда бу тадбирлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда биз жумҳуриятимиз равнақига меҳнати синган кекса авлод — ветеранларимизнинг ёшлар тарбиясига қўшаётган катта ҳиссаларини алоҳида ҳурмат билан қайд қиламиз.

Улар республикамиз ҳаётида қанчалик оғир ва машаққатли воқеалар содир бўлмасин (айниқса сўнгги йилларда) ҳамма жойда партия ташкилотларининг суянчиғи, мададкори бўлиб келаяптилар.

Катта ҳаётий ва партиявий тажрибага эга бўлган отахонларимиз ва онахонларимиз хайрли, савобли ишлар қилаяптилар.

Уларнинг йиллар давомида тўплаган тажрибаси, ақлидроки, эътиқоди бизга бундан буён ҳам жуда қимматлидир.

**Фурсатдан фойдаланиб, уларга съездимиз номидан узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилашга рухсат бергайсизлар.**

Шу мақсадда коммунистларни соғлиғи ёмонлашгани ёки қарилиги муносабати билан доимий ишдан ва аъзолик бадаллари тўлашдан озод қилиш ҳақидаги бўғинлар ҳам тўлдирилди. Партия ташкилотларига бундай ҳолларда ўша коммунистлар билан алоқани ҳеч ҳам узмаслик таклиф қилинади.

Ўзбекистон Компартияси **тафтиш органларининг** қурилиши ва фаолияти принципларини белгиловчи қоидаларга ҳам қўшимчалар киритилди.

Уларнинг номини ҳам Уставдаги кўрсатмаларга мос равишда тафтиш комиссиялари деб атасак яхшироқ бўлади. Съездолди сайлов-ҳисобот мажлислари даврида эса уларнинг номи **тафтиш-ревизион** комиссиялар деб белгиланган эди.

Яна бир муҳим масала.

Бизнинг фикримизча партиянинг дастурига ва Уставига хилоф иш олиб борувчи фракциялар ёки айрим бошланғич бўғинларни тугатиш ҳуқуқини партия комитетларига беришни ҳам Уставимизда белгилаб қўйишимиз керак.

Ва ниҳоят Уставнинг бир қатор қоидаларига жамоат ташкилотлари ҳақидаги Қонун қабул қилиниши муносабати билан қўшимчалар киритилган.

Компартиямиз марказий органларининг жойлашиши, ўз фаолиятини тугатиш, КПСС мулкига умумпартиявий мулк сифатида шериклик қилиш ҳақидаги масалалар шулар жумласидандир.

**Энди ўртоқлар, Ҳаракат дастури ҳақида гаплашиб олсак.** Бу ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш зарурлигининг сабаблари нима?

**Биринчидан:**

биз мавжуд шароитдан келиб чиқяпмиз — КПССнинг янги программаси йўқ ва уни яратиш жуда ҳам қийин бўлади. Биз кутиб тура олмаймиз. Бизни ҳаётнинг ўзи тезлаштиряпти. Вақт ўтиб кетгач ҳеч қандай программанинг кераги ҳам бўлмай қолиши мумкин.

XXVIII съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» деб номланган программаси жамиятимизнинг ҳозирги аҳволига фақат умумий баҳоларнигина беради ва партия фаолиятининг ҳам фақат умумий ва асосий йўналишларини белгилайди.

Бу умумий фикрларга жон киритиш, «оёғини ерга теккизиш» учун энг асосий вазифаларни белгилаб олиш керак.

**Иккинчидан:**

КПСС программаси қанчалик яхши бўлмасин, унинг ҳар бир республикадаги конкрет ижтимоий-иқтисодий шароитларни, ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олмаслигини билиб қўйиш керак. Ахир жумҳурият Компартиялари худди ана шу «ўзига хос» шарт-шароитларда ишлайди.

**Учинчидан:**

юқоридаги фикримизнинг давоми — энди мустақил Компартия сифатида бизнинг ўз халқимиз олдидаги жавобгарлигимиз яна ҳам кучаяди. Кўппартиялилик шароитида эса, ўз сафларимизга одамларни кўпроқ тортиш учун ҳам **ўз дастуримизга эга бўлмасдан иложимиз йўқ.**

Бошқача қилиб айтганда, коммунистлар ўзларининг етакчи куч эканлигини чуқур ҳис қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилишни ўз бўйниларига олар экан, жумҳуриятимизда яшаб турган ҳар бир киши улардан аниқ дастур талаб қилишга ҳақлидир. Дастур аниқ бўлса, долзарб муаммоларга жавоблар ҳам аниқ бўлади.

**Тўртинчидан:**

биз ўз мақсадларимизни ва вазифаларимизни энг аввало жумҳуриятимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, тарихий, демографик жараёнларни ҳисобга олиб белгилашимиз керак. Республика босиб ўтган йўлни атрофлича, танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб олишимиз зарур.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жиҳатидан бугунги кунда ҳам бошқа минтақаларга қараганда анча орқадамиз. Биз бу ҳақиқатга тан бериб, **бу аҳволнинг илдизларини топишимиз зарур.**

**Бешинчидан:**

биз Ўрта Осиёда яшаймиз. Бу ерда ўзига хос тарихий ривожланиш туфайли маълум муаммо ва қарама-қаршиликлар чигал бир тугундай бўлиб кетган.

Ижтимоий-сиёсий кучлар ҳам бошқа минтақаларга қараганда ўзгача ўрин ва мавқега эга. Бу шароитлар билан ҳисоблашмай бўлмайди.

Биз сиёсий кураш оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларга йўл қўймаслигимиз, одамлар орасида ҳамжиҳатликни, жамиятда осойишталикни, миллатлараро биродарликни таъминлашимиз зарур.

Бугунги кунда жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида **дин** таъсир даражаси аҳамият касб этяпти. Бу жараёнга бир томонлама ёндашиб бўлмайди.

Динга, диндорларга бўлган муносабатимизни қайта кўриб чиқиш, уни ўзгартириш, масалага янгича ёндашишни, турли эътиқоддаги одамлар билан мулоқот қилишни янгича йўлларини топишни тақозо этади.

Айниқса жамиятни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш, меҳр-оқибатни ўз ўрнига қўйиш, одамлар орасида ҳамжиҳатликни таъминлашда бу масала ниҳоятда ҳушёрлик талаб қилади.

Шу билан бир қаторда биз одамларнинг динга бўлган эътиқодидан жамиятга қарши, давлатга қарши фойдаланиш ҳаракатларини қаттиқ қоралаймиз.

**Олтинчидан:**

жумҳуриятимиз ўзига хос ҳаёт тарзига эга. Бизда кўп болали оилаларнинг сони бошқа минтақаларга нисбатан анча кўп.

Шунинг учун бизда аҳолининг кўп қисмини болалар ва ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ижтимоий муаммолари ҳам шунга яраша кўпдир.

Ана шу сабабларга кўра бизнинг Дастуримизда оила масаласи, келажагимиз масаласи алоҳида жой олиши керак.

Дастуримизнинг яна бир алоҳида мавзуси **хотин-қизлар** ҳаёти. Агар биз уларни бугунги оғир меҳнатдан озод қилиб, болаларига, уй-рўзғорига, **ўзига қарашига** кўпроқ имконият яратиб берсак — айни муддао бўлади.

**Бу баландпарвоз гаплар эмас, ўртоқлар, бу бизнинг — амалий мақсадимиздир.**

Маблағларни кўпайтириш ҳисобига келажакда хотин-қизларнинг, айниқса оналарнинг иш кунини қисқартириш, қисқартирилган иш ҳафтаси, болаларга қараш учун қўшимча вақт жорий қилиш, қишлоқ жойларда эса хотин-қизларни қонуний дам олиш куни билан таъминлаш масалалари шулар жумласидандир.

Бу муаммони, дам олиш куни муаммосини ҳал қилиш қишлоқ хўжалигида **қанча мушкул эканлигини яхши тушунаман.** Лекин мана шу залда ўтирган эркаклардан бирортаси ўз онасининг, умр йўлдошининг, опаси ё синглисининг, қизининг ҳафтада тўлиқ бир кунини рўзғор учун, ўзи учун, болалари учун, сиз билан бизнинг роҳатимиз, (уни ҳам унутмаслик керак) яъни тинч-тўкин хонадон учун сарфлашига қаршилик қиладими? Йўқ, албатта. Керак бўлса, уларнинг ўрнига ўша куни даладами, фермадами ишлаб беришига ишончим комил.

**Ёшлар муаммоларига** тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда биз уларга ҳамма соҳада — ўқишми, меҳнатми, маиший хизматми — хуллас ҳамма жойда баравар имкониятлар яратишимиз ва уларнинг ижтимоий муҳофазасига кафолат беришимиз лозим.

Сўнгги йилларда иқтисодий жиҳатдан ўзиб кетган айрим мамлакатлар ҳаётини таҳлил қилсангиз бир нарса аён бўлади: улар бу муваффақиятларга ёшларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор билан қараган, уларни энг нуфузли билим юртларида, шу жумладан чет элларда ўқитган, энг керакли, замонавий касб ва мутахассислик берганлиги туфайли эришган.

Бу тажрибадан биз ҳам кенг фойдаланишимиз керак. Жумҳуриятимиз келажаги ҳақида ўйласак, халқимизнинг зиё потенциалини (қувватини) кўтаришимиз лозим. Ёш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш системасини яратишимиз шарт.

**Муҳокама қилинаётган Ҳаракат дастуримизда энг катта ўрин эгаллаган муаммолардан бири** — жумҳуриятимизда яшаётган ҳар бир инсонга фаровон яшаш учун шарт-шароитларни туғдириб бериш, халқимизни маънавий қашшоқликдан чиқариш, камол топтиришдир.

Ҳаммамиз, шу залда ўтирганлар бир фикрга қўшиламиз: фарзандларимиз, келажак авлод сиз билан биздан яхши яшаши керак. Бунинг учун уларни маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд этиш лозим. Уларни атроф-муҳитнинг, Орол фожиасининг салбий таъсиридан асраб қолиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ёшларимиз жаҳон фани ва маданиятининг энг юксак чўққиларини эгаллаши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак.

**Охиргиси, ўртоқлар:**

ҳар қайси инсон учун, инсон манфаати учун қаратилган мана шу чора-тадбирларни, мақсадларни ҳаётга татбиқ қилишда барча коммунистлар ўз принципларида қаттиқ туриши зарур.

Бунга ўртоқлар ҳеч кимда, ҳеч қанақа шак-шубҳа бўлмаслиги керак.

Биз ўз дастуримизни ишлаб чиқишда суянган, кўзда тутган асосий йўналишлар ана шулардан иборат, ўртоқлар.

Дастурда бу муҳим вазифаларни амалга оширишнинг амалий йўллари ҳам ўз аксини топган.

## III.

Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури муҳокама қилиш учун съезд кун тартибига киритилишидан олдин жумҳурият партия ташкилотларида, матбуот саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. Марказий Комитетга, тайёргарлик комиссияларига, маҳаллий партия комитетларига, матбуот органларига Устав лойиҳаси бўйича 2 мингдан ортиқ таклиф тушди, жумҳурият коммунистларидан Ҳаракат дастури бўйича ҳам деярли шунча таклиф олинди.

Барча фойдали таклифлар, аниқлик киритишлар, мулоҳазалар тайёргарлик комиссиялари томонидан ўрганилди, Марказий Комитет пленумида кўриб чиқилди. Кўп фикр-мулоҳазалар комиссияларнинг съезд делегатларига тарқатилган таклифларида инобатга олинди. Яна кўпгина таклифлар бўйича бугун биз маслаҳатлашиб олишимиз керак. Шулардан айримларига тўхтаб ўтишга рухсат бергайсиз.

Аввало, **Ҳаракат дастури** бўйича.

Ўйлайманки, коммунистлар бизнинг диққат-эътиборимизни дастурий ҳужжатнинг биринчи жумлаларидан бошлаб, Компартиянинг асосий мақсади инсон учун қайғуриш эканига тўғри жалб қилмоқдалар. Жумҳурият коммунистлари ўз фаолиятларининг асл мақсади деб шундай шароитларни яратишни тушунадики, унда ҳар бир оила, ҳар бир меҳнаткаш фаровон, тинч-хотиржам яшай оладиган бўлсин.

Ҳаракат дастурида айтилган шу нарса диққатга сазоворки, уни коммунистлар Совет ҳокимияти органларига тақдим этилган ўзларининг сиёсий таклифлари деб қарамоқдалар. Бу таклифлар ижтимоий-иқтисодий ва миллий-маданий сиёсатни давлат миқёсида устун даражада шакллантиришга қаратилган.

Марказий Комитет ўзига тушган мулоҳазалар муносабати билан партиянинг халқ депутатлари Кенгашлари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ўзаро алоқаларнинг қоидаларига доир, ёшларга оид сиёсат, хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволига тегишли масалалар бўйича бир қатор аниқликлар киритишни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилади.

Гарчи Ҳаракат дастури билан бевосита алоқаси бўлмасада, партия комитетлари биринчи котиблари ва тегишли халқ депутатлари Кенгашлари раислари лавозимларини бирга қўшиш мақсадга мувофиқлиги хусусида ҳам кўпгина мулоҳазалар айтилди.

Бу борада нима дейиш мумкин?

Шароит имкон берган жойларда биринчи котибларнинг маҳаллий Кенгашларининг раислари этиб сайланиши сиёсий йўналишда умуман ўзини оқлади. Шу билан ўтиш босқичида ҳокимиятни амалда Советларга топшириш воситаси яратилди, бунда партия идораларининг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятга сиёсий таъсири ва назорати сақланиб қолади.

Ҳар қандай босқичда ўзига хос, ўзига мос шароитлар ва ёндашиш пайдо бўлиши табиийдир.

Ўйлайманки, ҳозирча бу масалаларда ягона йўл тутиб бўлмайди. Қолаверса, бундай ҳодисаларни сунъий равишда тезлатиш ёки пайсалга солиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир муайян ҳолда масала қарор топган сиёсий вазиятдан келиб чиқиб ҳал этилгани маъқул.

**Эндиги сўз Устав бўйича тушган таклифлар ҳақида.**

Марказий Комитет пленуми **бошланғич партия ташкилотлари** тўғрисидаги бўлимни кучайтиришга доир таклифларга қўшилади. Шу муносабат билан Марказқўм бу бўлим «бошланғич партия ташкилотлари **Ўзбекистон Компартиясининг асоси** ҳисобланади» деган аниқ ибора билан бошлансин деган таклиф киритади.

Бошқа бир қатор аниқликлар ҳам киритиш таклиф қилинадики, уларнинг асосий мақсади Компартиянинг асосий негизларининг ўз структураларини белгилашда, ўз ички ҳаёти ва фаолиятини бошқаришда мустақилликларини кенгайтиришдир.

Ўзингизга маълумки, эълон қилинган лойиҳада бошланғич ташкилотларнинг молиявий фаолиятини бошқарувчи Устав нормаларининг иккита варианти тавсия қилинган эди. Фикримча, ноҳия ва шаҳар ташкилотларининг марказлаштирилган маблағларини шакллантириш воситасини янада аниқроқ белгилаб берувчи, иккинчи лойиҳа тарафдорлари бўлмиш коммунистлар фикрига қўшилишимиз керак. Бу маблағлар кам сонли партия ташкилотлари учун ўзига хос ёрдам жамғармасига айланади.

Кўпчилик коммунистлар ҳаққоний равишда қайд этдиларки, **Компартиянинг ташкил қилиниши** бўлимининг айрим моддалари **партия ички демократияси** бўлимига киритилган моддаларни муайян даражада такрорлайди. Шунга биноан тегишли қисқартириш лойиҳага киритилган.

Бир қанча таклифлар Марказий Комитет томонидан қабул этилмади. Энг аввало бу КПСС Уставига хос бўлган айрим жиддий қарашларни сақлаб қолишга қаратилган нотайин ва ноаниқ жумлаларга тааллуқлидир.

Бошқа минтақалардан келувчи партия аъзоларини ҳисобга олишда уларга Ўзбекистон Компартиясининг дастурий ва норматив ҳужжатларини тан олиш мажбуриятини юклашга қаратилган қўшимча шартлар қўядиган таклифларга ҳам қўшилиб бўлмасди.

**Устав лойиҳасининг VIII боби кўп баҳслар келтириб чиқарди.**

Ҳатто лойиҳа муаллифлари тарқатиб юборувчиликда айбланди. Ўйлайманки, бу масалаларга тўла аниқлик киритиш лозим.

Гап шундаки, жамоат бирлашмалари ҳақида қабул қилинган Қонун уларнинг Устав ҳужжатларига ўз фаолиятларини тўхтатишга доир Низомни тақдим этишни мажбурий тарзда талаб қилади.

Агар бордию, Компартия Конституция ва Совет қонунлари доирасида ҳаракат қилади десак, унда норматив ҳужжатларимиз мазкур қонунларга зид бўлмаслиги керак. Ўйлайманки, Ўзбекистон Компартияси бу борада ҳам ибрат кўрсатиши керак. Агар етакчи партия бўлиб шу қонун ва қоидаларга итоат қилмасак, бошқалардан буни талаб қилиб бўлмайди.

Марказий Комитет топшириғи билан икки лойиҳа бўйича сизларга маълум қиладиган гапларим мана шулардан иборатдир.

## IV.

Ўртоқлар!

Сизнинг рухсатингиз билан ҳозирги кунда жамиятда ҳал этилаётган, Ўзбекистон Компартияси муттасил шуғулланаётган муаммолар хусусида сиз, ҳурматли делегатларга ҳисобот беришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Авваламбор жамият олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторида **Иттифоқ шартномасини** тузиш энг зарурий аҳамиятга эга десам, хато қилмаган бўламан.

Бу масалада тўла равшанлик керак. Марказий оммавий ахборот воситаларида гўё Ўзбекистон ҳар қандай шартларга кўниб, шу бугуноқ Иттифоқ шартномасига имзо чекишга тайёр, деган фикр тез-тез айтилмоқда. Бўлмаган гап, ўртоқлар.

Айтиш керакки, биз бу борада жиддий қарашга эгамиз. Иттифоқ Федерациясини сифат жиҳатидан янги асосларда тузиш керак.

Янги Иттифоқ шартномаси шундай бўлиши кераккки, унда ҳар бир жумҳурият катта ё кичиклигидан қатъи назар, унинг манфаатлари бу Федерация таркибида камситилмаслигига ва энг муҳими — бу Иттифоқ барча республикалар учун фақат фойдали бўлишига тўла ишонч ҳосил қилиш керак.

Шунинг ўзидан кейинги хулоса ҳам келиб чиқади. Марказ томонидан тақдим этилган Иттифоқ шартномасининг сўнгги нусхаси жиддий қайта ишлашни талаб қилади.

Гап фақат бизнинг кўпгина таклифларимиз ва мулоҳазаларимиз унда ўз ифодасини топмаганида эмас, гап шундаки, унда бўлажак федерациянинг барча субъектлари тенг ва тенг ҳуқуқли бўлиши талаби ҳисобга олинмаган. Марказий органларнинг унитар давлат йўл-йўриқларини сақлаб қолишга интилаётгани шундоққина сезилиб турибди. Бунинг устига кимни Федерация субъекти дейиш борасида ҳам амалий бир ажрим йўқ.

Биз ўйлаймизки, республика мустақиллигини эътироф этиш, марказ ва жумҳуриятларнинг орасини очиб қўйиш ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш бу муаммони ечиш учун замин туғдириб беради.

Биз Иттифоқ шартномаси тарафдоримиз, лекин мутлақо янги, асл ленинча маъносида, мустақил Совет жумҳуриятларининг Иттифоқи тарафдоримиз. Тарихий фактларга мурожаат этамиз. 1918 йилги Конституцияга биноан Туркистон Мухтор жумҳурияти ҳозир иттифоқдош жумҳурият бўлмиш Ўзбекистондан кўра кўпроқ ҳуқуқларга эга бўлган.

Зотан шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, шартнома яқин орада имзоланиши зарур. Ишни чўзиб юбориш мамлакат халқларига қимматга тушиши, шартнома керак бўлмай қолиши ҳам мумкин.

Навбатдаги масала, бу жумҳуриятдаги ҳар бир фуқарога тааллуқли, **бозор муносабатларига ўтишдир.** Биз айни муаммоларни шу йилнинг октябрь ойида бўлган Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг III сессиясида батафсил кўриб чиқдик.

У ерда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг принциплари тўғрисида»ги қарор Ўзбекистон Компартияси фикрини тўла ифодалайди.

Лекин бугун шуни алоҳида қайд этиш лозимки, биз учун бозор юзаки мақсад эмас, балки халқ фаровонлигини яхшилаш, унга истиқбол очиш воситасидир.

Жумҳуриятимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий қурилишни янги поғонага кўтариш учун қуйидаги **ўта муҳим муаммони** ҳал қилиш улкан, жуда катта аҳамиятга эга.

Жумҳуриятимиз бир томондан табиий, ер ости ва ер усти бойликларига, қишлоқ хўжалиги ресурсларига, иккинчи томондан бошқа минтақалар ҳавас қилса арзийдиган минг-минглаб ишчи кучларига, қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, бағри кенглик, бардошлилик сингари маънавий бойликларга эгадир.

**Шундай бир диёрнинг иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам янгидан бағрини кўтаришга ҳамма асос бор деб ўйлайман, ўртоқлар.**

Бунга эришиш учун нима қилиш керак?

Энг аввало ҳар қандай тараққиётнинг ўзаги ҳисобланадиган ана шу икки асосни бирлаштириш керак. Бунинг учун замонавий илғор техника ва технологияни ҳаётга жорий қилиш, илмий-техник ва ишчи-кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун барча шароитларни яратиш, янги усулда, янги мулкчилик асосида ишни ташкил қилишимиз керак.

Бу вазифалар ишлаб чиқаришдаги янгича муносабатлар асосида, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хўжалик ва корхоналарга тўла эркинлик бериш йўли билан амалга оширилиши керак.

Бозорга ўтишга доир дастуримизнинг энг муҳим нуқталаридан бири — Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналар тармоғини кенг тараққий эттиришдир. Бизлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр чет эл фирмаларига мумкин қадар яхши шароит яратиб берайлик.

Жумҳуриятнинг ютуғи шунда бўладики, бир неча йилдан кейин биз замонавий технологияга, асосини туб миллатлар ташкил этувчи замонавий ишчилар синфига эга бўламиз. Жумҳурият эса маҳаллий хом ашёдан маҳаллий корхоналарда ишланган юқори сифатли молларга эга бўлади.

Ўзбекистон бозор шароитида жуда узоқ тарихий босқичларни аллақачон босиб ўтган. Бу диёримизнинг ижтимоий-маданий ва табиий ўзига хосликларига асосланган махсус бир бозор эди. Хўжалик равнақининг кўп тармоқлилиги Ўзбекистон учун тарихан хосдир.

Бу бизнинг хос жиҳатимиздир, уни инкор қилиш кўп вақтлар давомида ишнинг белига тепди, тўсқинлик қилди.

Бинобарин, жумҳуриятнинг бозор сари бугунги йўли, бу — хўжалик юритишдаги одатлар ва анъаналарнинг янги асосларда қайта тикланишидир, халқ ҳунармандчилиги ва бадиий ижоднинг равнақ топишидир. Маълумки, бу соҳалар маъмурий-буйруқбозликка асосланган тузумда ривожлантирилмади, ривожлантириб бўлмасди ҳам.

Бу хўжалик ходимларининг хусусий мулки сифатида ҳам фаоллаштирилиши лозим.

Қизғин баҳсларга ва фикрий тўқнашувларга сабаб бўлаётган яна бир масалага алоҳида тўхталишга тўғри келади. **Бу — ерга эгалик масаласидир.** Шарт-шароитларнинг аниқ ҳисоб-китобига тўла таянувчи, суғориладиган деҳқончиликнинг ўзига хос томонларига, халқимизнинг анъаналарига асосан қатъий фикримиз шундай: **ер фақат давлат мулки бўлиб қолиши керак.**

Аграр сиёсат ҳақида гапирганда, суғориш масалаларига тўхталмасдан ўтиб бўлмайди.

Биз бундан буён ҳам ичимлик суви бўладими, суғоришга ишлатиладиган сув бўладими, хуллас биз учун қимматбаҳо бойлик ҳисобланадиган сувни тежаш учун қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қилишимиз керак.

Лекин келажак ҳақида, XXI аср ҳақида қайғурадиган бўлсак, янги сув манбаларини топмасдан ҳеч иложимиз йўқ.

Жумҳурият экономикасини инсоний талаб ва эҳтиёжларга қаратишни биз ўзимизнинг муҳим вазифамиз деб биламиз. Ҳар бир оила, ҳар бир меҳнатчи тинч-хотиржам ва тўкин-сочин яшаса, жумҳурият озод, бой бўлади, гуллаб-яшнайди.

Халққа тақдим этилган ижтимоий чора-тадбирлар комплекси ҳам ана шунга қаратилгандир.

Ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, съезд делегатларидан аниқ мулоҳаза ва таклифлар кутамиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бу ҳужжатлар коммунистларнинг янада жипслашишига, партия ташкилотларини халққа, унинг ташвишларига янада яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонади.

Ўзбекистон Компартиясининг асосий стратегик вазифаси — бу кўҳна ва гўзал диёримизда яшаётган халқимиз ва барча халқларнинг фаровон ҳаёти учун жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эришишдир. Бу оғир ва жуда мураккаб йўлда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, омад тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат, ўртоқлар!

